

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАҲИМОВ АКМАЛ МАТЯҚУБОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИ ВА УНИ  
КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Раҳимов Акмал Матякубович**

Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари ..... 3

**Рахимов Акмал Матякубович**

Депозитная база коммерческих банков и пути её расширения ..... 25

**Rakhimov Akmal Matyaqubovich**

Deposit base of commercial banks and the ways of its enlargement ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАҲИМОВ АКМАЛ МАТЯҚУБОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИ ВА УНИ  
КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt975 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Жумаев Нодир Хосиятович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Олимжонов Одил Олимович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Хошимов Элмурод Абдусатторович**  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [info@tfi.uz](mailto:info@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси.)

**Б.Э.Ташмурадова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримқулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Мамлакат иқтисодиётининг таянч ва самарали устунларидан бири бўлиб, молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Эътибор берадиган бўлсак, охириги беш йил давомида миқдорлар томонидан тижорат банкларига қўйилган депозитлар ҳажми ошиб келган. 2019 йил бошига мамлакатимиз банкларидаги жами депозитлар қолдиғи ўртача 70 триллион сўмни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2015 йил бошига нисбатан 2,5 баробарга ошган бўлиб, қолган даврлар мобайнида ҳам нобарқарор ҳолатда ўсган. Тижорат банклари томонидан депозит операцияларини амалга оширишда банк депозит сиёсати асосий норматив ҳужжат бўлишидан ташқари, депозитлар жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. “Банкларнинг депозит сиёсати банк стратегиясининг алоҳида таркибий қисми ҳисобланиб, банклар бу орқали ресурс сифатини белгилайди. Чунки банклар асосан жалб қилинган маблағлар билан фаолият юритадиган муассасадир. Шу сабабли, банклар ресурс базасининг ҳажми ва сифати уларнинг кредитлаш ва инвестициялаш салоҳиятини ошириш имкониятларини аниқлайди”<sup>1</sup>. Демак, тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришда банк депозит сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро амалиётда тижорат банклари депозит операцияларини амалга ошириш, депозит базани шакллантириш, уни бошқариш, банклар депозит базасини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда, тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш механизмларини такомиллаштириш, банк депозит базасини самарали бошқариш усуллари ўрганилган. Лекин, банклар томонидан депозитлар жалб қилишда миқдорларга хизмат кўрсатиш маданияти, уларнинг банкка бўлган ишончини ошириш масаласи, таклиф қилинаётган депозит хизматларининг ҳар иккала томонга, яъни банкка ҳам, миқдорга ҳам манфаатли бўлиши каби жиҳатлар илмий ечимини топмаган. Шунингдек, банклар томонидан йирик миқдорлар жалб қилиш, миқдорларнинг талаб ва истакларини эътиборга олган ҳолда янги замонавий депозит турларини таклиф этиш, депозитларни ўз вақтида қайтариб бера олиш каби масалалар бугунги кунда илмий тадқиқот ишларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон банк-молия тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади ҳам республикамиз тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини оширишга қаратилган. Бунга асосан, “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш вазифалари”<sup>2</sup> белгилаб берилган. Хусусан, банклар томонидан

<sup>1</sup> Kneysler O., Spasiv N., Marynchak L. and Khomyn I. /Deposit policy of Ukrainian banks: current realities and prospects./ Banks and Bank Systems, 2019. 14(2), p. 76-88. <https://www.scopus.com/>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

депозитлар жалб қилишни кенгайтириш билан боғлиқ мезонлар банк депозит сиёсатида ўз ифодасини топмаганлиги, банклар хизмат турлари ҳамда сифатида жиддий ўзгаришлар юз бераётганлигини, чет эл банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигини ҳамда хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаб бериш республикамиз банк тизими учун долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарори ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларининг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Белоглазова, Д.Мак Нотон, И.Бланк, К.Кэмпбелл, М.Ямпольский, О.Лаврушин, О.Макарова, Р.Коттер, Р.Кэмпбелл, Э.Долан, Э.Пилл, Э.Рид, Э.Родэ, Ю.Савинскийларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган<sup>3</sup>.

Диссертация мавзусининг баъзи йўналишлари ва алоҳида жиҳатларини маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан – Т.Қоралиев, Ш.Абдуллаева, А.Омонов, Ф.Мирзаев, Б.Парпиев, Б.Бабаев, С.Игамбердиев, У.Азизов, У.Ортиқов, Ш.Рўзметов каби муаллифлар ўз ишларида ёритиб берганлар<sup>4</sup>.

<sup>3</sup>Долан Э. Дж., и др. Деньги, банковские дело и денежно кредитная политика. Пер. с англ. -Москва-Ленинград: 1991.-446 с.; Нотон Д. М. Банковские учреждение в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т.-Вашингтон, Д.С.: Всемирный банк, 1994. Т.1.-323 с.; Родэ Э.М. Банки, биржи, валюты современнокапитализма.-М.: Финансы и статистика, 1986. -358 с.; Рид Э., Коттер Р., и другие. Коммерческие банки.Пер. с англ. под ред. Усоскина В.М. 2-е издание.-М.: Космополис, 1991. -478 с.; Бланк И.А. Концептуальныеосновы финансового менеджмента. -Киев: Ника-Центр, Эльга, 2003. -425 с.; Финансы и кредит: Учебник. Под ред.Г.Н.Белоглазовой. -М.: Юрайт-Издат, 2003. -575 с.; Лаврушин О.И., и другие. Деньги, кредит и банки. -М.:Финансы и статистика, 2001. -460 с.; Макарова О.М., и другие. Коммерческие банки и их операции. -М.:Банки и биржи, 1995. -288 с.

<sup>4</sup>Каралиев Т.М., и др. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. -Ташкент: Узбытцентр, 1991. - 64 с.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. -Тошкент:Иқтисод-молия, 2007. -344 б. Омонов А.А.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш юзасидан илмий изланишлар яхлит, комплекс тарзда тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлиб, Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришнинг назарий-услубий ва амалий асосларини тадқиқ қилиш, уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган депозит операцияларининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

мамлакатимиз тижорат банкларида депозитларни жалб қилиш амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари депозит базаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

---

Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2008. -38 б. Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияавтореферати, –Т.: БМА, 2009. 11 б. Парпиев Б.Б. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк депозитларига барқарор жалб этиш маркетинг стратегиясини шакллантириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияавтореферати, –Т.: ТДИУ, 2010. 9 б. Б.Б.Бабаев. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование. Автореферат кан. экон. наук. Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан. –Т., 2002. -21 с. Игамбердиев С.Х. Инвестицион банклар фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, –Т.: ТДИУ, 2018. 18 б. Azizov U.U. The impact of monetary policy on stimulating economic growth. International Journal of Economics, commerce and Management. United Kingdom. Vol. VII, Issue 4, April 2019. ISSN 2348 0386. Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. “Молия, пул муомаласи ва кредит” и.ф.н. дисс. автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – 19.09.2008. –Т., 2008. -20 б. Рўзметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. и.ф.н. дисс. автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.–Т., 2009. -26 б.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик усуллар, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ҳажмини ва жозибадорлигини оширишда уларнинг фоиз ставкасини муддатига мос равишда ўсиб бориш тартибида белгилаш зарурлиги асосланган;

янги “online” омонатлар хизматини ташкил этиш ва депозит ҳисобварақдаги маблағларни масофадан бошқариш имкониятларини кенгайтириш таклиф этилган;

бир тармоқда фаолият юритувчи ва бир-бирига боғлиқ йирик мижозлар гуруҳини жалб этиш ҳамда мазкур мижозларга хизмат кўрсатишда банк томонидан воситачилик ҳаққини пасайтириш ва ҳисобварақлардаги қолдиқларга ўзаро келишилган ҳолда фоиз тўлаш таклиф этилган;

тижорат банкларининг депозит маблағларни жалб қилиш ҳолатини таҳлил усулини киритиш орқали ўрганиш асосида банк депозит базасини кенгайтириш механизми такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

банк депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ҳажмини оширишга уларнинг фоиз ставкасини муддатига мос равишда ўсиб бориш тартибида белгилаш орқали эришиш зарурлиги асосланди;

мижозлар томонидан депозит ҳисобварақдаги маблағларини масофадан бошқариш имкониятларини кенгайтиришда янги “online” омонатлар хизматларини ташкил этиш таклифи шакллантирилган;

банклар томонидан бир тармоқда фаолият юритувчи ва бир-бирига боғлиқ бўлган йирик мижозлар гуруҳини жалб этиш ва мазкур мижозларга хизмат кўрсатишда воситачилик ҳаққини пасайтириш ва ҳисобварақдаги қолдиқларга ўзаро келишилган ҳолда фоиз тўлашни йўлга қўйиш банк депозит базасини кенгайтириш имкониятини ошириши асосланди;

тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш мақсадида банклар томонидан депозит базасини кенгайтириш бўйича аниқ механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги бўйича таклиф шакллантирилган ва асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик маълумотларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг амалий маълумотларининг таҳлиллари натижаларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан республикамизда банк соҳасини ривожлантиришда банк депозит базасини кенгайтиришга қаратилган махсус тадқиқотларни амалга оширишда ҳамда

иктисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Банк менежменти ва маркетинги” ва “Пул ва банклар” каби фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришга қаратилган чоратадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланишнинг мумкинлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари борасида олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банклари депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ҳажмини ва жозибдорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоиз ставкасини муддатига мос равишда ўсиб бориш тартибида белгилаш юзасидан берилган таклифлар “Трастбанк” ХАБ томонидан 2019 йилга мўлжалланган банк депозит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Трастбанк” ХАБнинг 2019 йил 28 октябрдаги 01-331/3385-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши банкнинг жами депозитлари таркибида муддатли депозитлар ҳажмини 1,6 баробарга ошиб, 380,33 млрд. сўмни ташкил этишига олиб келган;

янги “online” омонатлар хизматини ташкил этиш ва депозит ҳисобварақдаги маблағларни масофадан бошқариш имкониятларини кенгайтириш бўйича таклифлари “Трастбанк” ХАБ томонидан амалиётга жорий қилинган (“Трастбанк” ХАБнинг 2019 йил 28 октябрдаги 01-331/3385-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши “Трастбанк” ХАБ томонидан мижозларга банкнинг mobile иловаси орқали “Онлайн-келажак” ва “Онлайн-фаровон” каби янги online омонат турлари амалиётга жорий қилишига хизмат қилган;

тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида банкда мижозлар кластерини ташкил этиш орқали бир тармоқда фаолият юритувчи ва бир-бирига боғлиқ бўлган йирик мижозлар гуруҳини жалб этиш ва мазкур мижозларга хизмат кўрсатишда банк томонидан воситачилик ҳаққини пасайтириш ва ҳисобварақдаги қолдиқларга ўзаро келишилган ҳолда фоиз тўлашни йўлга қўйиш бўйича берилган таклифи “Трастбанк” ХАБ томонидан амалиётга жорий қилинган (“Трастбанк” ХАБнинг 2019 йил 28 октябрдаги 01-331/3385-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банк томонидан йирик мижозлар гуруҳи қабул қилинди ва банк депозит базаси 2019 йил бошига нисбатан 289,5 млрд. сўмга ошиб, 2019 йил 1 октябр ҳолатига 2 638,5 млрд. сўмни ташкил этилишига эришилган;

тижорат банкларининг депозит маблағларни жалб қилиш ҳолатини ўрганиш асосида банк депозит базасини кенгайтириш механизминини ишлаб чиқиш бўйича таклифи “Трастбанк” ХАБ томонидан 2019 йилга мўлжалланган банк умумий стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Трастбанк” ХАБнинг 2019 йил 28 октябрдаги 01-331/3385-сон

маълумотномаси). Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган банк депозит базасини кенгайтириш механизмини “Трастбанк” ХАБ амалиётида қўллаш натижасида 2019 йил 1 октябрь ҳолатига банк депозит базаси 2016 йил бошига нисбатан 4,5 баробарга ёки йил бошига нисбатан 79,1 фоизга ошишига замин яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, шундан 1 та хорижий ва 2 та республика журналларида, шунингдек, бошқа журналлар, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 14 та мақола ва маъруза тезислари нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда, тижорат банклари депозит операцияларининг моҳияти ва турлари, банк депозит базасини шакллантириш усуллари, банк депозит базасини кенгайтиришнинг назарий асослари каби масалалар атрофлича ёритиб берилган ва боб якунида амалга оширилган тадқиқотлар юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда банк ресурсларининг ўрни ва аҳамияти юқоридир. Банк ресурслари таркибида жалб қилинган депозитлар алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, банклар томонидан ресурс жалб қилиш амалиётини ривожлантириш, банк депозит базасини кенгайтириш, аҳоли омонатлари ҳажмини янада ошириш, юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатишни янада

такомиллаштириш банклар кредитлаш салоҳиятини кенгайтишига асос бўлиб хизмат қилади.

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши билан тижорат банкларининг депозит операцияларини ўрганишга эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Тижорат банкларининг депозит операциялари кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлар Е.Ф.Жукова ва Н.Д.Эриашвилилар фикрича, кўплаб банкларда қарз маблағларининг асосий қисми – бу депозитлар (омонатлар) ҳисобланади. Банк амалиётида “депозит” атамаси биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан банк депозит шартномасида қайд этилган муайян шартлар асосида банкка қўйилган маблағлар, иккинчидан, банкдаги омонат эгаларининг пул талабларини тасдиқловчи банк китобларига киритилган ёзувларидир<sup>5</sup>.

Шунингдек, яна бир иқтисодчи олима Н.М.Розанова “Депозитлар ёки омонатлар банк мажбуриятларининг катта қисмини ташкил этади. Депозитлар аҳоли ва фирмаларнинг пул маблағлари сифатида тушунилади, улар муайян шароитларда ва муайян даврда банк ҳисоб рақамига ўтказилади”<sup>6</sup> деган фикр билдирган.

Маҳаллий олимларимиздан профессор Ш.З.Абдуллаеванинг фикрича, жаҳон амалиётида “депозит” деганда, фақатгина сақлаш учун молия-кредит ёки банк муассасасига берилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар эмас, балки банк омонатлари билан бир қаторда божхона тўловлари, йиғимлар, солиқлар ва ҳоказоларни тўлаш учун киритилган бадаллар ҳам тушунилади<sup>7</sup>.

Профессор А.А.Омонов ўз илмий тадқиқотларида банк ресурсларини бошқаришда стратегик режалаштириш камида бир йилдан ўн йилгача мўлжалланиб ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлигини қайд этиб ўтган. Бунда асосий эътибор, ресурсларни жалб этиш ва жойлаштиришни муддатлар бўйича мувозанатлаштириш, молиявий барқарор миқдорлар таркибини шакллантириш, ресурслар жалб этишни омонатчилар ва миқдорлар бўйича табақалаштириш кабиларга қаратишни мақсадга мувофиқлиги таъкидланган<sup>8</sup>. Таъкидлаш лозимки, ресурсларни жалб этиш ва жойлаштириш муддатларини мувофиқлаштириш, ресурслар жалб этишни омонатчилар ва миқдорлар бўйича диверсификациялашишига эришиш тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш учун асосий дастак бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, профессор Ф.И.Мирзаевнинг тадқиқотлари банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларига бағишланган. Хусусан, банк хизматлари бозорида ресурсларни жалб этиш, маблағларни жойлаштириш ва бошқа барча банк хизмат турларини амалга ошириш

<sup>5</sup>Жукова Е.Ф., Эриашвили Н.Д.Банковское дело: учебник. “Финансы и кредит”. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2018. 169 с.

<sup>6</sup>Розанова Н.М. Деньги и банки: учебник. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 241 с.

<sup>7</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. -Т.: ТМИ, Иқтисод-Молия, 2017 йил, 732 б.

<sup>8</sup> Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, –Т.: БМА, 2008. 11 б.

жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни банклараро рақобатнинг асоси сифатида кўрсатиб ўтган<sup>9</sup>. Демак, тижорат банклари депозит операцияларининг назарий ва амалий жиҳатларини тўлиқ ўрганиш, таҳлил этиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш банкларнинг барқарорлигига таъсир этувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, тижорат банклари депозит операциялари – банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан муайян мақсадларда банкка пул маблағларини жалб қилиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ операциялардир.

Тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштириши муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг кучайганлигидандир. Мазкур ҳолат, мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларини банклар ўртасида “тақсимлаш”да ва молия бозоридан қўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайишига ижобий самара кўрсатмоқда.

Тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришда банк депозит операцияларини ривожлантириш муҳимдир. Бунда, аввало тижорат банклари депозит операцияларини ривожланишига, умуман олганда банк депозит базасини кенгайтишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш лозим.



**1-расм. Банклар депозит базаси кенгайтишига таъсир этувчи омиллар<sup>10</sup>**

<sup>9</sup>Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати, –Т.: БМА, 2009. 11 б.

<sup>10</sup>Муаллиф томонидан тузилди

Банкнинг янги ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси банк депозит операциялари ривожланишига таъсири – янги техника ва технологияларнинг республиканинг барча соҳаларида қўлланилаётганлиги ва ривожланаётганлигида яққол номоён бўлади. Банк бошқарув тизими ва банк ташкилий тузилмасининг оқилона йўлга қўйилиши, банк бошқарувчилари ва ходимлари малакасининг юқорилиги, шунингдек, банк ходимларининг ўз ишларига бўлган яхши муносабати банк ҳолатининг яхшиланишига ва банк обрўсининг ошишига олиб келади.

Банклар томонидан депозит операциялари ва уларнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганилиши ҳамда тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, мижозларнинг тижорат банкларига бўлган ишончи ортишига ҳамда ўзларининг бўш пул маблағларини банкларда сақлашларига замин яратади. Бу бевосита тижорат банклари депозит базасининг кенгайишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш йўллари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Мижозларнинг банкка бўлган ишончи;
- Банк томонидан мукамал депозит сиёсатининг ишлаб чиқилиши;
- Мижозлар кластерини тузиш орқали уларга депозит хизматларини кўрсатилиши;
- Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда янги депозит турларини мижозларга таклиф этиш;
- Депозит сертификатларини чиқариш амалиётини кенгайтириш;
- Банклар томонидан таклиф қилинаётган депозитлар жозибadorлигини янада ошириш.

## **2-расм. Тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш йўллари<sup>11</sup>**

Барчамизга маълумки, мижозлар томонидан банк тизимида бўлган ишончнинг юқорилиги мамлакатда фаолият юритаётган тижорат банклари депозит базасининг ортишига ва бу ўз навбатида банклар барқарорлигига олиб келади. Банк томонидан ишлаб чиқилган депозит сиёсатининг мукамаллиги унинг келажакдаги депозитлар жалб этиш жараёнларида яққол намоён бўлади. Яъни, мукамал депозит сиёсати банк депозит базасини кенгайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Муайян бир соҳада фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳига бир банк томонидан хизмат кўрсатилиши бу субъектлар ўртасида бўладиган пул ўтказмаларининг банкдан чиқиб кетмаслигига олиб

<sup>11</sup>Муаллиф томонидан тузилди

келади. Натижада мазкур мижозларнинг пул маблағлари шу банк ичида айланади ва банкда сақланиб қолади. Бу ўз навбатида банк депозит базасининг мустақамланишига ва барқарор ресурс базаси шаклланишига туртки бўлади. Кейинги йилларда жаҳонда тижорат банклари амалиётида замонавий технологиялардан кенг фойдаланишмоқда. Бундай ҳолатда, тижорат банклари томонидан замонга мос бўлган янги хизмат турларини таклиф этиш кенгаймоқда. Яъни, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда янги жозибадор омонат ва депозит турларининг таклиф қилиниши банк депозит базасининг кенгайишига олиб келади.

Тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш борасидаги жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида яхлит бир механизм мавжуд эмаслиги намоён бўлди. Тадқиқот натижасида тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш механизми ишлаб чиқилди. Мазкур механизм асосан иккита йирик йўналиш асосида шаклланади. Хусусан, олдиндан тузилган шартномалар асосида банк депозит базасини кенгайтириш ҳамда янги тузилган шартномалар асосида банк депозит базасини кенгайтириш.



**3-расм. Тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш механизми<sup>12</sup>**

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан тузилди

Диссертациянинг иккинчи боби “Тижорат банклари депозит базасининг амалий ҳолати таҳлили” деб номланган бўлиб, ушбу бобда тижорат банкларида депозитларни жалб қилиш ҳолати, тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришда банк депозит сиёсатидан самарали фойдаланиш йўналишлари, тижорат банклари томонидан депозитлар жалб қилиш амалиётига таъсир қилаётган омилларнинг таҳлили каби масалалар кўриб чиқилган.

Депозит жалб қилиш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, депозит амалиётисиз тижорат банклари ўзларининг бошқа асосий вазифаларини бажаришлари мумкин эмас. Банкларнинг бош мақсади бўлган фойда олишга эришиш истикболларини белгиловчи, яъни даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган ва жамғарилган маблағлар ёки депозитлар муҳим ўрин тутди.



**4-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами депозитларининг ўсиш динамикаси<sup>13</sup> (йил охирига, млрд. сўм)**

Юқоридаги расм маълумотларини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, ўтган йиллар давомида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишда мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилашга, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибдор турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Буни юқоридаги расм маълумотлари орқали кўришимиз мумкин. Маълумотларга кўра охириги беш йил давомида мижозлар томонидан тижорат банкларига қўйилган депозитлар ҳажми ошиб келган. Эътибор берадиган бўлса, йиллар давомида жалб қилинган депозитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга. Бу кўрсаткич 2018

<sup>13</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

йил якунлари бўйича 70 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. 2015-2017 йиллар оралиғида ўсиш суръати олдинги йилларга нисбатан ўртача 28 фоизни ташкил қилган. 2018 йилда 2017 йилга нисбатан бу кўрсаткич 17,5 фоиз ўсишни кўрсатган. Бунга асосий сабаб қилиб мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни келтиришимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5177-сон Фармонида мувофиқ тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган хорижий валютадаги депозитлар фоиз ставкаларининг сезиларли даражада пасайтирилиши жами депозитлар ўсиш суръатини олдинги йилларга нисбатан пасайтирган. Шунингдек, мамлакат ЯИМда жами банк депозитларининг ўсиш суръати 2018 йилда олдинги йилларга нисбатан пасайиш тенденциясига эга. Буни ЯИМ миқдорининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатининг юқорилиги ва жами банк депозитлари ўсиш суръатининг олдинги йилларга нисбатан пасайганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

1-жадвал

**Республикамик тижорат банкларининг депозит маблағлари таркиби тўғрисида маълумот<sup>14</sup> (йил охирига, млрд. сўм)**

Кўрсаткичлар	Жами депозитлар	Юридик шахслар депозитлари		Аҳоли омонатлари	
		жами	% да	жами	% да
<b>2014 йил</b>	28500	19754	69,31	8746	30,69
<b>2015 йил</b>	35600	28634	80,43	6966	19,57
<b>2016 йил</b>	44600	36069	80,87	8531	19,13
<b>2017 йил</b>	59579	47447	79,64	12132	20,36
<b>2018 йил</b>	70001	55297	78,99	14704	21,01

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Республикамикда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2015 йилда тижорат банклари томонидан 35 600 млрд. сўм миқдорида депозит жалб қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига деярли 2 баробарга ошган ҳамда 70 001 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ҳолатни тижорат банклари томонидан депозитлар жалб қилиш ва уларни самарали бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётганликлари билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, бу ҳолат банклардаги аҳоли омонатлари ва юридик шахслар депозитлари миқдорларининг ошишида ҳам ўз исботини топади.

<sup>14</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Лекин, юридик шахслар депозитлари ва аҳоли омонатларининг жами депозитлар таркибидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда юридик шахслар депозитлари 80 фоиз улушга аҳоли омонатлари 20 фоиз улушга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Аҳоли омонатларининг жами банк депозит базасидаги улушининг камлигини аҳолининг банк тизимида бўлган ишончининг юқори эмаслиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда, банклар томонидан вақтинча бўш пул маблағларни кенг қўламда жалб қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш банкларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, банкларнинг барқарор ресурс маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, ушбу маблағларни шакллантириш, самарали бошқариш ва уларнинг сифатини оширишни тақозо этади.

2-жадвал

**Республикамиз тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари таркиби тўғрисида маълумот <sup>15</sup> (йил охирига, млрд. сўм)**

Кўрсаткичлар	Аҳоли омонатлари	Миллий валютада		Хорижий валютада	
		жами	% да	жами	% да
<b>2014 йил</b>	8 746	7 402	84,6	1 344	15,4
<b>2015 йил</b>	6 966	5 397	77,5	1 569	22,5
<b>2016 йил</b>	8 531	6 523	76,5	2 008	23,5
<b>2017 йил</b>	12 132	6 442	53,1	5 690	46,9
<b>2018 йил</b>	14 704	8 901	60,5	5 804	39,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари миқдори йиллар давомида кўтарилиб бормоқда. Аҳоли омонатлари таркибида миллий ва хорижий валютадаги омонатлар улуши ҳам мос равишда кўтарилиш тенденциясига эга бўлиб, 2014 йилда миллий валютадаги аҳоли омонатлари 7 402 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 1,2 баробарга ошиб, 8 901 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек, хорижий валютадаги аҳоли омонатлари ҳам мос равишда 1 344 млрд. сўмдан 4 460 млрд. сўмга ёки 4,3 баробарга ортиб, 5 804 млрд. сўмни ташкил қилган.

Маълумотлар асосида шуни айтишимиз мумкинки, бугунги фан ва техника ривожланаётган бир вақтда тижорат банклари томонидан давр талабига мос бўлган янги “online” омонатлар хизматини ташкил этиш ва депозит ҳисобварақдаги маблағларни масофадан бошқариш имкониятларини кенгайтириш банк депозит базасининг кенгайишига олиб келади. Агар тижорат банклари мижозлари томонидан банкка ишониб топширишган пул

<sup>15</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

маблағларини омонат муддати тугагандан кейин ўз вақтида қайтариб беролмаса, аксинча ҳолат кузатилади. Бу ҳолатнинг кучайиши кейинчалик банк фаолиятининг издан чиқишига олиб келиши мумкин.

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2014-2018 йиллар оралиғида АТ “Алоқабанк” ва ХАБ “Трастбанк”ларнинг депозитлари ва уларнинг таркиби ҳисобланган талаб қилиб олингунча, муддатли ва жамғарма депозитлар ўсиш тенденциясига эга. Эътибор берадиган бўлсак, муддатли депозитлар ҳажми охириги йиллар давомида ҳар иккала банкда ҳам ўсиб бормоқда. Бу ҳолат айниқса АТ “Алоқабанк”да муддатли депозитлар ҳажми 2018 йилда ўтган йилга нисбатан 5,8 баробарга ёки 1 843,08 млрд. сўмга ошганлиги билан яққол номоён бўлмоқда. Худди шу каби, ХАБ “Трастбанк”да бу кўрсаткич мос равишда 2,7 баробарга ёки 147,69 млрд. сўмга ошганини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

**АТ “Алоқабанк” ва ХАБ “Трастбанк”ларнинг депозитлари таркиби тўғрисида маълумот<sup>16</sup>(йил охирига, млрд. сўм)**

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
<b>АТ “Алоқабанк”</b>					
<b>Депозитлар - жами</b>	408,69	545,95	789,3	1 821,99	3 261,47
<i>шундан:</i>					
<b>Талаб қилиб олингунча</b>	212,86	275,52	295,42	1 197,14	801,56
<b>Муддатли</b>	177,79	159,73	300,12	384,97	2 228,05
<b>Жамғарма</b>	18,04	110,70	193,76	239,88	231,86
<b>ХАБ “Трастбанк”</b>					
<b>Депозитлар - жами</b>	578,61	775,06	1 143,23	1 473,03	2 349,08
<i>шундан:</i>					
<b>Талаб қилиб олингунча</b>	486,33	662,54	1 059,38	1 323,94	2 086,92
<b>Муддатли</b>	48,04	22,43	8,34	84,59	232,28
<b>Жамғарма</b>	44,24	90,09	75,51	64,50	29,88

Албатта, тижорат банклари томонидан муддатли депозитлар жалб қилиш бўйича ижобий ўсиш ҳолатни сақлаб туриш ҳамда янада ошириш имкониятларидан фойдаланиш доимий эътибор марказида туриши лозим. Шунингдек, тижорат банклари депозит базаси таркибида муддатли депозитларнинг барқарор ресурс эканлигини эътиборга олиб, банклар томонидан мазкур депозитларнинг улушини оширишга алоҳида аҳамият берилиши зарур. Тижорат банклари депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ҳажмини ва жозибадорлигини оширишда уларнинг фоиз ставкасини муддатига мос равишда ўсиб бориш тартибида белгилаш тижорат банкларининг муддатли депозитлар улушини оширишига хизмат қилади.

<sup>16</sup>АТ “Алоқабанк” ва ХАБ “Трастбанк” маълумотлари асосида тайёрланди.

Шу билан бир қаторда, тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ўсишига таъсир этувчи бир қатор омилларни келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан:

Республикаимиз аҳолисининг молиявий саводхонлик даражаси. Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ошиши фуқароларнинг иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга онгли равишда муносабатда бўлиши, иқтисодий тафаккур ва кўникмаларнинг ривожланишига боғлиқ. Чунки, аҳоли қанчалик юқори иқтисодий фаоллик ва молиявий саводхонликка эга бўлса, уларнинг иқтисодий фаолияти, ҳаётнинг турли жабҳаларида қабул қилаётган қарорлари шу даражада самарали бўлади. Айниқса, молиявий саводхонлик мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига, бу эса аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади. Бунинг натижасида, аҳолининг ортиқча бўш пул маблағлари банк омонатларига кириб келишига замин яралади;

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи. Республикаимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва мамлакатимиз тижорат банкларининг самарали фаолият юритаётганликлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг йилдан-йилга ошишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, тижорат банклари томонидан мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлақонли бажаришлари натижасида мижозлар сони ва ишончининг ортишига эришилмоқда;

